



**Course: Islamic Finance**

**Lecture 2: Contracts in Islamic Finance**

**Lecturer: Dr. Surayyo Shaamirova**

# ШАРТНОМАЛАРНИНГ ИСЛОМДА ЎРНИ

*Эй мўминлар, ақдларга (ўзаро келишган битимларга) вафо қилингиз!* (Моида сураси, 1 оят)

*Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам: “Мусулмонлар шартларининг устидан чиққайлар”, деганлар* (Имом Бухорий ривояти)

# ШАРТНОМАЛАРНИНГ ҲОЛАТИ

Шартномалар ундаги руқн ва шартларнинг тўғрилигига қараб 3 хил ҳолатда бўлиши мумкин




Саҳиҳ



Фосид



Ботил



# ИСЛОМДА МОЛ ТУШУНЧАСИ

- Шартномалар мол (бойлик), мол олиб келадиган манфаат ва эгаликни (мулкдорлик) бир томондан бошқа томонга ўтказади



# ИСЛОМДА МОЛ, МАНФААТ ВА ЭГАЛИК ТУШУНЧАЛАРИ

- Шартномаларда мол аниқлиги жиҳатдан қуйидаги икки хил бўлиши мумкин:

## Аниқ (айн)

- Тавсифга эгаллиги
- Савдода вақтга боғлиқ эмас
- Масалан, автомобиль, телевизор, ускуна, уй

## Мавҳум (дайн)

- Луғавий жиҳатдан “мажбурият” дегани
- Аниқ тавсифга эга эмас
- Масалан, тилла, кумуш, пул, буғдой, гуруч, ёғ

# ИСЛОМДА МОЛ, МАНФААТ ВА ЭГАЛИК ТУШУНЧАЛАРИ

- Молнинг яна бир таснифлаш тури:

**Ўзаро ўрнини  
босувчи  
(мислий)**

- Барчаси бир-бирига ўхшаш ва ўрнини босувчи маҳсулотлар
- Кило, литр каби нарсаларда ўлчанади
- Буғдой, туз, гуруч, цемент, олма, бодринг
- Қарзга бериш мумкин
- Салам шартномасида қўлланилади

**Ўзаро ўрнини  
босмайдиган  
(қиёмий)**

- Бир-биридан фарқ қиладиган, алоҳида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар
- Донада ўлчанади, серия рақамлари бўлиши мумкин
- Телевизор, телефон, уй, холодильник, уй, кўприк
- Истиснаъ шартномасида қўлланилади

# ИСЛОМДА МОЛ, МАНФААТ ВА ЭГАЛИК ТУШУНЧАЛАРИ

- Шартномалар предмети ва тўлови жиҳатдан:

## Олди-сотди объекти (мабеъ)


- Қийматга эга бўлиш
- Шаръий жиҳатдан ишлатиш жиоз бўлиши
- Эгалиқда бўлиши

## Нарх (саман)

- Пул бирликлари
- Алмашинув воситаси ва қиймат ўлчови
- Сотиладиган маҳсулот эмас

# ИСЛОМ ВА ШАРИАТНИНГ МАҚСАДЛАРИ

Шариатнинг асосий мақсадлари қуйидаги беш нарсага манфаатни жалб қилиш ва зарарни даф этишдан иборат:



# ВАЪДА ВА ШАРТНОМА



## Ваъда

- Бир томон иккинчи томон манфаати учун бирор мажбуриятни бажариш учун иккинчи томонни хабардор қилиши



## Битим/Шартнома (ақд)

- Икки ёки ундан ортиқ ваколатли томонлар ўртасида ихтиёрий, олдиндан келишилган ва қонуний асосда боғланадиган битимдир




# ШАРТНОМА

- Шартнома бу икки ёки ундан ортиқ ваколатли томонлар ўртасида ихтиёрий, олдиндан келишилган ва қонуний асосда боғланадиган битимдир
- Одатда ёзма тузилади, баъзан оғзаки тузилиши мумкин
- Шартнома араб тилида **“ақд”** деб юритилади, луғатда “боғлаш, тугиш, мустаҳкамлаш” деган маъноларни англатади

# ШАРТНОМА УСТУНЛАРИ (РУКНЛАРИ)

- Шартноманинг устунлари (рукнлари) унинг мазмуни билан боғлиқ моҳиятидир
- Шартноманинг асосий 3 та руки бор:



# ИЙЖОБ ВА ҚАБУЛ (СИЙҒА)

- Ислом мулкка эгаллик ҳуқуқини тан олади ҳамда ўз мақсадларидан бири сифатида мулкчиликни ҳимоя қилади. Шунинг учун эгаллик ҳуқуқини савдо орқали ўтказиш ҳар икки томоннинг ўзаро розилиги билан амалга оширилиши лозим.
- Шартнома, унинг мақсади ва мазмуни бўйича иккови томоннинг розилигисиз тузилмайди. Араб тилида бу ийжоб (таклиф) ва қабул деб номланади. Ушбу иккисидан бирортасининг топилмаслиги шартноманинг тузилмаганлигини (бекор, ботил бўлганлигини) англатади

# ИЙЖОБ ВА ҚАБУЛ (СИЙҒА)

## Аниқлик (шаффофлик)

- Ноаниқ атамалар ва шартларнинг бўлмаслиги (ғарардан холи бўлиши)
- Ўтган ёки ҳозирги замонда бўлиши (сотдим, бердим; олдим, қабул қилдим ва ҳк.)

## Қабулнинг таклифга мувофиқ бўлиши


- Қабул таклифда кўрсатилган шартларга мувофиқ келиши лозим. Бу мутлақ (тўлиқ) ва шартсиз бўлиши лозим

## Таклиф ва қабул қилиш ўртасидаги узлуксизлик

- Таклиф ва қабул битимнинг бир хил (бир вақтда) босқичида амалга оширилиши керак
- Бир босқич/мажлис давомида қабул қилинмаса, таклиф бекор қилинади

# БИТИМ ИШТИРОКЧИЛАРИ (ТОМОНЛАР)

- Шартнома тузувчи томонлар мулк ва эгалик ҳуқуқини берувчи ҳамда ҳаридор ва сотувчидан иборат бўлган шартноманинг муҳим рукнларидан биридир. Ислон шариатида одамлар ушбу имкониятларни баҳолаш, музокара олиб бориш ва савдо қилиш орқали ўзлари қарор қилиш қобилиятига эга деб тахмин қилинади



# ШАРТНОМА МАВЗУСИ (ПРЕДМЕТ)

- Шартнома кучга эга бўлишини таъминлаш учун предмет (мол), шунингдек, шартнома тузаётган томонлар манфаатини ҳимоя қилиш учун маълум шартларни бажариши керак бўлади.
- Шартномадаги “предмет” атамаси алмашиладиган ҳар қандай нарсага нисбатан қўлланилади. У товарни ҳам, унинг нархини ҳам ўз ичига олади

# ШАРТНОМА МАВЗУСИ (ПРЕДМЕТ) ВА НАРХГА ОИД ШАРТЛАР

## Молнинг мавжудлиги

- Шартномадаги предмет мавжуд бўлиши керак ёки келажакда бўлиши (ишлаб чиқарилиши) керак, акс ҳолда шартнома бекор қилинади. Ўзи эга бўлмаган нарсани сотиш тақиқланади (дериватив, ғарар ҳисобланиб, бундай фойда олиш жоиз эмас).

## Шартнома предметини ўтказиш (бериш) имконияти

- Мол мавжуд бўлганидан кейин шартнома тузилаётганда у етказилиши (тақдим қилиниши, берилиши) ҳам керак бўлади

## Шартнома томонларига маълум ва аниқлилик

- Шартнома предмети иккала томонга ҳам аён бўлиши керак.
- Ушбу шарт шартноманинг ноаниқ ва номаълум мавзусидан қочишдир.

# ШАРТНОМА МАВЗУСИ (ПРЕДМЕТ) ВА НАРХГА ОИД ШАРТЛАР (Cont.,)

## Қонуний/Ҳалол

- Шартномадаги предмет (мол) шариат томонидан эгалик қилиниши мумкин бўлган мулк сифатида тан олинган нарса бўлиши керак.
- Агар предмет шариатда мол сифатида қабул қилинган бўлмаса, шартнома бекор деб ҳисобланади

## Нарх

- **Нарх аниқ ва битта (келишилган) бўлиши керак**
- Нархнинг кўриниши (пул, маҳсулот, хизмат, манфаат) ва тури (сўм, доллар) белгиланиши керак
- Тўлов муддатлари ва шартлари аниқ бўлиши лозим

# ШАРТНОМАДАГИ ШАРТЛАР

- Шартномадаги шартларнинг асосан 2 тури мавжуд:

## Шариат талабларига мувофиқ шартлар

Рукнлар

Шартноманинг амал қилиши (ҳақиқийлигининг) шартлари

Томонлар ўрнатадиган талаблар (шартлар)

Муайян шартномалар учун махсус шартлар

Шартномани бажариш шартлари

Саҳиҳ шарт

Фосид шарт

Ботил шарт

# ШАРИАТ ТАЛАБЛАРИГА МУВОФИҚ ШАРТЛАР

## Умумий шартлар

- Шартнома рукнларига тегишли (ийжоб ва қабул, сотилаётган мол тўғрисида келишув ва шартнома мавзуси)
  - Ийжоб-қабул
  - Битим иштирокчилари
  - Битим мавзуси

## Муайян шартномалар учун махсус шартлар

- Муробаҳа, салам, сарф
- Предметни (молни) топшириш (қабз қилиш) шарти

## Шартноманинг амал қилиши (ҳақиқийлигининг) шартлари

- Рибо, ғарар, майсир ёки тақиқланган элементлар бўлмаслиги
- Мажбурланиш ва фирибгарликнинг бўлмаслиги

## Шартномани бажариш шартлари

- Мулк ҳуқуқи мавжудлиги
- Учинчи томоннинг ҳуқуқи бўлмаслиги

# ҚОНУНИЙ КУЧГА ЭГА БЎЛГАН ВА БЎЛМАГАН ШАРТЛАР

## Саҳиҳ (қабул қилинадиган)

### шартлар

Шартнома рукнлари бажарилиши

Олди-сотди битимлари дарҳол қилиниши керак

Ижара, Истиснаъ, Кафолат

шартномалари кечиктирилиши мумкин

- Сотувчи уй-жойни ижара олиш шarti билан сотиши
- Кондиционерни беш йиллик кафолати ҳамда бир йиллик текин хизмати шarti билан харид қилиш

## Фосид (камчилиги бор)

### шартлар

Шартнома рукнидаги камчиликлар

Шартнома предмети тавсифида камчиликлар, ғарар ёки рибо бўлиши

- Шартли савдо (Сенга уйимни сотаман, агар фалончи менга уйини сотса)
- Икки савдони бир савдода қилиш (Бир шартномада икки нархни белгилаш, масалан, нақд ва насия)

## Ботил (нотуғри, ноқонуний)

### шартлар

Шартнома рукнларининг бажарилмаслиги

Шарт битим мақсадига зид бўлганда

Ботил шарт кучга эга эмас ва бундай шартномага амал қилинмайди

- Бинони тунги клуб қилиш шarti билан сотиши
- Бировнинг савдоси устига савдо қилиш

# САВДО БИТИМЛАРИ ИХТИЁРИЙ ТАНЛОВ – ҲУҚУҚЛАР

- Ихтиёрий танловнинг қуйидаги 7 тури мавжуд:
  - 1. Мажлис макони/жойи танлови.** Мажлис дейилганда бай битими тузиладиган жой тушунилади, яъни сотувчи билан ҳаридор битим тузиладиган жойни тарк этмагунларича улар байни кучга кириши ёки уни бузиш ихтиерига эгалар
  - 2. Шарт билан боғлиқ танлов.** Битим тузилгандан кейин томонларнинг ҳар бири (ёки биттаси) муайян вақт ичида уни бузишлари мумкин
  - 3. Маҳрум этиш билан боғлиқ танлов.** Молни асл/одатий/муносиб қийматидан кескин фарқ қиладиган нархга харид қилган одамда қатариш ихтиёри
  - 4. Қалбакилаштириш билан боғлиқ танлов ихтиёри.** Сотувчи молни ўзида йўқ сифатлари билан сифатлаши

# САВДО БИТИМЛАРИ ИХТИЁРИЙ ТАНЛОВ – ҲУҚУҚЛАР (Cont.,)

- 5. Айбли мол билан боғлиқ танлов ихтиёри.** Сотувчи молнинг айбларини беркитган бўлиб, аслида айблари фош қилинганда уни нархи арзонроққа сотилган бўлар эди
- 6. Молнинг таърифга мувофиқ келмаслиги билан боғлиқ танлов.** Ҳақиқий сифати ва таснифи берилган таърифга мос келмаслиги
- 7. Молнинг нарх-навоси бўйича ихтилоф билан боғлиқ танлов ихтиёри.** Сотувчи ва харидор ўртасида нарх-наво масаласида ихтилоф келиб чиқса, сотувчининг гапи ва қасами инобатга олинади

# ШАРТНОМА ТУРЛАРИ

Қиймат алмашинуви жиҳатдан битимлар 2 хил бўлади



Эвасиз (табарруъ)

- Бундай битимлар учун ҳақ олиш мумкин эмас
- Қарз, Кафолат, Вақф, Ория бунга мисол бўлади



Эвазли (муаъвада)

- Битим учун ҳақ олиш мумкин
- Олди-сотди, Ижара, Вакиллик, Салам бунга мисол бўлади



# ШАРТНОМА ТУРЛАРИ

	Бир томонлама битимлар (табарруъ)	Икки томонлама шартномалар	
		Табиатига кўра аниқ шартномалар	Табиатига кўра ноаниқ шартномалар
Тури	Фойда олиш кўзда тутилмаган	Олди-сотди битимлари	Шерикчилик битимлари
Асосий қоидалар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Сармоя кафолатланади</li> <li>• Фойда олиш назарда тутилмайди</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Фойда олдиндан маълум</li> <li>• Шартнома мавзуси-предмети аниқ</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Фойда олдиндан маълум эмас</li> <li>• Фақатгина фойдани тақсимлаш улуши белгиланган</li> </ul>
Шартномаларга мисоллар	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Қарз, Кафолат</li> <li>• Такафул, Ҳавола</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Муробаҳа</li> <li>• Ижара, Салам</li> <li>• Истиснаъ</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Мушорака</li> <li>• Музораба</li> <li>• Вакала</li> </ul>

# ШАРТНОМА (АҚД) ВА ВАЪДА (ВАЪАД)

- Бир томонлама ваъда, бир томон бошқасига келажакда бошқасининг манфаати учун ҳаракат қилиш ниятида (мажбуриятида) эканлиги тўғрисида бошқасини хабардор қилганда берилади, иккинчисида эса ваъдадан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлади.
- Шариат томонидан рухсат этилмаган ишни бажаришга ваъда бериш тақиқланган ва бундай ваъдани бажариш ҳам тақиқланган (масалан, қарзни тўлашдан ташқари, қарз берувчи учун фойда келтирадиган ҳар қандай ваъдани ўз ичига олган қарз шартномаси).

# ВАЪДАНИНГ ҲОЛАТИ

- Ваъда берувчи ваъда олувчига ваъда натижасида мажбуриятни келтириб чиқарадиган ҳолатларда ваъда бажарили шарт ёки ваъда туфайли етказилган копланиши керак.
- Масалан, агар бирор киши савдогарга маълум бир буюмни сотиб олишни буюрса ва кейин бу буюмни ундан сотиб оламан деб қатъият билан ваъда берган бўлса.



# РУХСАТ ЭТИЛГАН ВА РУХСАТ ЭТИЛМАГАН ВАЪДАЛАР

## Рухсат берилган

- Мижозлар ташкилотлар томонидан тузиладиган муробаҳа битимларига нисбатан берилган ваъда қонуний кучга эга бўлади.
- Ижара мунтаҳия бит-тамлик битимларида муассаса томонидан ижарага олувчига ҳадия сифатида ижарага берилган активни бериш тўғрисидаги ваъда.

## Рухсат берилмаган

- Айрим операциялар бўйича шариат тақиқини четлаб ўтиш мақсадида бир мазмунлик икки томонлама ваъдалар беришга йўл қўйилмайди (масалан деривативлар)

# БЎНАК, БАЙБОШИ, ГАРОВ ПУЛИ, ЗАКЛАД

## Ҳамиш жиддия (байбоши, бўнак)

- Харидор ўз ваъдасининг жиддийлигини билдириш мақсадида савдогарга берадиган бўнак
- Масалан, тендерларда ҳамиш жиддия олинади ва харажатлар чегириб, қайтариб берилади
- Маҳсулотнинг олинган ва кейин бозорда сотилган нархи ўртасидаги фарқни қоплашга етадиган маблағ

## Урбун (заклад, гаров пули)

- Харидор муайян миқдорда тўлов қилиб, келишилган муддатда сотиб олиш имкониятини олиши
- Агар харидор сотиб олмаса, урбун пули сотувчида қолади
- Тўланиши керак бўлган нархнинг бир қисми ҳисобланади

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- Hassan, M. K., Kayed, R. N., & Oseni, U. A. (2013). Introduction to Islamic banking and finance: Principles and practice. Pearson.
- Usmani, Muhammad Taqi. (2002). An introduction to Islamic finance. Kluwer Law International.
- Ayub, Muhammad. (2007). Understanding Islamic finance. John Wiley & Sons. AAOIFI. (2015).
- Shari'ah standards. AAOIFI.
- Obaidullah, M. (2005). Islamic financial services. Islamic Economics Research Center.
- Iqbal, Z., & Mirakhor, A. (2011). An introduction to Islamic finance: Theory and practice. John Wiley & Sons.
- The Qur'an. (n.d.).
- Sahih al-Bukhari. (n.d.).
- Islamic Banking and Finance Institute (IsBF). (n.d.). Training materials.



**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН  
РАҲМАТ!**